



ҲУДУДЛАРДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТГА ЭРИШИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 февраль — 1 март кунлари Хоразм вилоятида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ташрифининг иккинчи кунги Урганч шаҳрида Хоразм вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича галдаги вазифалар муҳофазаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолига муносиб шароитлар яратиш, бандликни таъминлаш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилаётганини таъкидлади. Хусусан, охириги 7 йилда Хоразмда 600 мингта иш ўрни яратилган. Бугун вилоят ялпи маҳсулоти ҳажми 37 триллион сўмга, аҳоли жон бошига 19 миллион сўмга етган.

Шу билан бирга, тобора ўзгариб бораётган замон, одамларнинг талаб ва истаклари янги-янги вазифалар қўймоқда. Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар, вилоятдаги захираларни ишга солиш бўйича янги имкониятлар белгиланган.

Хоразмда кичик ва ўрта бизнесни янада қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартларда 100 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди. Бунинг ҳисобидан 5 минг 500 тадбиркорга қўмак бериб, 50 минг доимий иш ўрни ташкил этиш мумкинлиги айтилди.

Иқтисодиётдаги асосий вазифалардан бири — вилоятда саноатни ривожлантириш. Бунинг учун энг зарур омиллар давлат томонидан ҳал этиб берилмоқда.

Куни кеча Амурдёр устида кунига 12 мингта автомобиль, 24 та поездни ўтказиш қувватига эга улкан кўприк очилди. Бу транспорт алоқаларини камайтириб, бизнес ва хизматлар ривожига қўшимча туртки беради.

Саноат учун барқарор энергия манбалари ҳам зарур. Шу мақсадда Тупроққалъа туманида Франциянинг “Volitalia” компанияси билан ҳамкорликда 100 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилиши бошланди. У йил якунигача ишга тушади.

Шунингдек, Хоразмда қиймати 10 миллиард долларлик йирик газ-кимё мажмуасини барпо қилиш бўйича илғор хорижий компаниялар билан музокара олиб борилмоқда. Бу лойиҳа ишга тушса, 3 мингта иш ўрни яратилади, йилига 2,5 миллион тонна юқори қўшилган қийматли полимерлар ишлаб чиқарилади.

Саноат лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш чоралари белгиланди. Қайд этилганидек, Хоразмда Саноатни ривожлантириш жамғармасидан 100 миллион доллар йўналтирилади.

Бизнесни ривожлантириш банки томонидан кичик ва ўрта саноат лойиҳаларига 1,5 миллиард сўмгача 18 фойздан 7 йил муддатга кредитлар берилади.

Бундан ташқари, 1 апрелдан бошлаб, импорт ускуналар, эҳтиёт қисм ва хомашё 5 йилга божхона тўловидан озод қилинади, қўшилган қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилади. Маҳаллийлаштириш лойиҳаларига олинган кредит фойзининг 10 фойз банди қоплаб берилади.

Давлат мулки ва ер участкаларини хусусийлаштиришда 5 йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Иқтисодий ва саноат зоналарида олган мажбуриятини бажарган тадбиркорлар ер ва бинони хусусийлаштириши мумкин бўлади. Экспортчиларга бошқа вилоятдан хомашё етказиб бериш учун йўл харажатларининг 50 фойзи қопланади.

2020 йилда учта банк иштирокида тузилган инвестиция компанияси трансформация қилиниб, унга тадбиркорларга 30 фойзгача улушдор бўлиб кириш ваколати берилади.

Хазорасп эркин иқтисодий зонасидан самарали фойдаланиб, саноат лойиҳаларини жойлаштириш, Урганч туманида Технопарк ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

“Дамас” ва “Лабо” автомобиллари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб

чиқариш ҳажмини ошириш, ип-калавани қайта ишлаш даражасини 60 фойзга етказиш, фармацевтика маҳсулотларини кўпайтириш имконияти пайдо бўлади.

Умуман, йил якунигача вилоятга 1,5 миллиард доллар сармоя, шундан 1 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келиб, 600 миллион доллар экспортни таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Бунинг учун 11,5 триллион сўм кредит йўналтирилади, ҳар бир туман ва шаҳарни комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланади.

Хоразмда Хитой тажрибаси асосида “уй саноати” ривожлантирилади. Масалан, Ботот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшқўпир ҳамда Урганч туманларида жун ва пиллани қайта ишлаш, Ҳазорасп, Хива, Тупроққалъа ва Хонқада гилам тўқиш оммалашган.

Бу йўналишлар қўллаб-қувватланиб, ипакчилик ва гиламчилик кооперациялари ташкил қилинади. Хонадонларда ихчам ускуналар ўрнатиш учун 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида бу йил 5 мингта хонадонда интенсив усулда балик боқиш, 4 минг 400 та хонадонга тикувчилик, парранда, чорва, асалари ва бодорчилик бўйича молиявий қўмак берилади.

Хоразмнинг асосий драйверидан бири туризм. Уни янада ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур қабул қилиниши белгиланди.

Сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразмга кириш учун “Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади. Урганч шаҳрида “Лазги” ва “Авесто” музейи ташкил этилади. Меҳмонхона ва дам олиш масканлари қуриш, мавжуд ўринларни кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилади.

Бу орқали Хоразмга хорижий туристлар оқимини 1 миллионга, маҳаллий сайёҳларни 4 миллионга етказиб, 20 минг иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Хизматлар соҳаси ривожланиши учун транспорт инфратузилмасини яхшилаш зарур. Шу боис, Урганч ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига авиачипта нархини арзон қилиш учун 30 миллиард сўм субсидия берилади. Авиакатновлар кўпайтирилади.

“Урганч — Хива” троллейбус қатнови оралик вақти қисқаради, Урганчдан Хива ва Хонқага электробус қатнови қўйилади.

Йиғилишда қишлоқ ва сув ҳўжалигидаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хитой ва бошқа давлатлардан шўр тупроққа чидамли пахта навларини олиб келиб, етиштириш зарурлиги таъкидланди. Урганч шаҳрида экин уруғларини сертифициклаш лабораторияси, ҳар бир туманда 40 тадан кичик совиткичи омбор ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилади.

Шоличиликда ҳам илмий ёндашувларни жорий этиш вақти келган. Бу борада Филлипиндан олиб келинган шўрга чидамли навларни Хоразм шароитига мослаш, Жанубий Корея билан ҳамкорликда шולי уруғчилиги корхонаси ташкил этиш зарурлиги айтилди. Шоличиликда ҳосилдорликни 150 центнерга чиқарган деҳқонларга маҳсулотининг ярмини экспорт қилишга рухсат бериш тақлифи билдирилди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни кенгайтиришга ҳам янги имкониятлар белгиланди.

Тошсоқа каналини тиклаш лойиҳасининг 2-босқичи, каналларни бетонлаш ишларининг бориши кўриб чиқилди. 11 минг гектарда сув тековчи технология жорий қилиш, 42 минг гектарни лазерли текислаш, насос станцияларини технологик янгиллаш топшириқлари берилади.

Уй-жой ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йил 119 та кўп қаватли уй қурилиб, 3,5 мингта оиланинг яшаш шароити яхшиланади. Ҳазорасп, Шовот ва Урганч туманида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилади.

Электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторларни янгиллаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Вилоятдаги 233 километр йўл таъмирланади. 322 та маҳаллада ички йўллар яхшиланади.

Хоразмдаги олий таълим муассасаларида хорижий дастурлар жорий қилиниб, талабаларнинг халқаро квалификация олиши таъминланади. Шифохона ва поликлиникаларда такрорланган вазифалар мақбуллаштирилади. Эшитишда нуқсон бор 500 нафар бола кохлеар аппарати, яна 2 минг нафари эшитиш мосламаси билан таъминланади.

Умуман, йиғилишда белгиланган чора-тадбирларга 1,1 миллиард доллар ва 10 триллион сўм йўналтирилиши таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Урганч шаҳридаги Жалолiddин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейни бориб кўрди.

Таълим муассасаси 2023-2024 ўқув йилидан фаолият бошлаган. 300 ўринли замонавий бинода ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Улар бу ерда аниқ фанлар йўналишида икки йил таълим олади.

Ўқув хоналари энг сўнгги русумдаги мультимедиа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Лицей ахборот-ресурс марказида 7 мингдан ортиқ ўқув ва бадий китоблар, 11 мингдан ортиқ электрон адабиётлар бор. У вилоятдаги олий таълим

муассасалари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тармоғига улланган.

Шунингдек, бу ерда Жалолiddин Мангуберди музейи, ёпиқ турдаги спорт зал ҳамда очик майдондаги спорт мажмуаси, саф майдони, ошхона ва ётоқхона мавжуд.

Ўқувчилар дарсдан ташқари ўндан ортиқ фан, ахборот технологиялари, ижодий тўғрақлар ҳамда спорт машғулотларида иштирок этади. Бепул кийим-кечак, тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари муассаса ҳамда бу ердаги таълим жараёнлари билан танишиди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Жалолiddин Мангубердиннинг ватанпарварлиги, жасорати ёш авлод учун ибрат эканлиги таъкидланди.

— Бу ерда аниқ фанлар ўқитилиши яхши. Шу билан бирга, дарс жараёнларида ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, қадриятларимизни ҳам ўргатиш лозим. Шундай бўлиши кераки, миллий руҳ ва гурур ёшларнинг энг кучли қуроли бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳарбий-жанговар қудрат, юксак маънавий салоҳият юрт ҳимоячиларининг муҳим таянчи эканига ургу берилди.

Лицей Урганч давлат университети ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, Урганч шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу таъбабунси бошқа мактаблар билан ҳам кенг қўламада ташкил этиш режалаштирилган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

ЎЗА



Тараққиёт одимлари

ЖАЙҲУНДАЙ ЖЎШҚИН ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

Поезд бийдай дашт оралаб кетиб боради. Чор тараф кўз илганган жойгача кенглик. Фақат саксовул, шувоқ каби чўл ўсимликлари қорайиб кўринади. Аввалига сершовқин шаҳарнинг тигиз жойлашган паст-баланд биноларига кўниккан кўзлар толиқади. Бундай кенгликка кўз кўникиши учун маълум вақт керак. Сиз бу даштда қанча ичкариласангиз, унинг бағрини макон тутган эл, Хоразм ва қорақалпоқ халқини шунча теран англай бошлайсиз.

Бир қарашда урф-одати, турмуш тарзи фарқ қиладиган бу икки элнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Масалан, уларда мардлик-танглик яққол кўзга ташланади. Меҳнатсеварлик, синовларга матонатли эл унча-мунча дардини сездиравермайди. Улар оддий суҳбат чоғида ҳам овозини баралла қўйиб, ўзига ишонч билан сўзлайди. Уларнинг савимияти атрофдагиларга тез юқади. Бенхтиёр уларга ўхшагингиз, мана шу кенгликда мангу қолиб яшагингиз келади. Негаки, уларнинг уйи ҳам, кўнгли ҳам ана шу дашт каби кенг.

Хабарингиз бор, янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги илк қадамлардан бири Оролнинг қуриган тубига ҳаёт қайтаришдай эзгу амал бўлган эди. Бугун ўша пайтда қадалган уруғ халқимиз ишончи каби самодан ҳам кўзга ташлана бошлади. Бундан ташқари, саноат-ишлаб чиқариш, туризм соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар иқтисодий барқарорликка хизмат қиляпти. Бу ишонч йиллар давомида мустақамлалиб, Амуударёнинг икки қирғоғини бирлаштирган кўприк тимсолида янгича қиёфа касб этиб борапти.

➤ Давоми 3-бетда

Турмуш чорраҳаларида

ИШ ИЗЛАБ ЎЗГА ЮРТГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС ЭКАН



“ТУРМУШ ЎРТОҒИМ ХОРИЖДАН ҚАЙТДИ”

Бошида кўп ҳам сезилмаганди. Лекин фарзандлар бир оз улғайиб, мактабга қатнай бошлагач, рўзгорнинг камини бутлашнинг ўзи бўлмай қолди. Турмуш ўртоғи эртадан кечгача тиним билмай меҳнат қилади. Шунга қарамай, ҳеч бири икки бўлай демасди. Бу пайтда Мухлиса ҳам бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Рўзгорга моддий ёрдам бўлар, деганча қўшнилардан тикувчилик бўйича буюртмалар қабул қилиб, оз бўлса-да даромад топишга ҳаракат қилди. Аммо маҳалладан ундан тажрибали тикувчилар кўпчилиги боис, буюртма берувчилар санокли, холос. Шу сабаб бу борада ишни юриш-

мади. Бозорга чиқиб, картошка, пиёз ҳам сотиб кўрди. Савдони ҳар ким эпложмаслигини англаб, ортиқча харажатга тушмаслик учун бу ишни ҳам йиғиштириб қўйди.

Кунларнинг бирида ишдан кеч қайтган турмуш ўртоғи негадир тушкун кайфиятда эди. Мухлиса хавотир билан сабабини сўраганди, жавоб бергиси келмади. Ҳадиксирабгина термилиб турган аёл турмуш ўртоғининг хорижга ишга кетмоқчи эканини эшитгач, беихтиёр кўзига эп кўрмади. Лекин уйдаги шарт-шароит, аҳволни ўйлаб, кўнишга мажбур бўлди.

Албатта, хорижда ҳам даромад топиш осон эмас. Каттагина орзулар билан ишга отланган оила бошлиғи анча вақтгача таъинли юмуш тополмай сарсон бўлди. Бу

ёқда хотини бир амал қилиб турган рўзгор ташвишлари оғирлашса оғирлашди-ки, осонлашмади. Барча масъулиятни ўз зиммасига олган Мухлиса қанча ҳаракат қилмасин, барибир топишида унум бўлмади. Унинг бу аҳволдан хабар топган маҳалла фаоллари “Аёллар дафтари”га рўйхатга қўйди. Бу дафтардан бирор наф чиқишига кўзи етмаган опа маҳалладагилар расмийлик учун шунчаки дафтарга киритиб қўйди, деб юрaverди. Лекин ногўрри ўйлаган экан. Орадан кўп вақт ўтмасдан, ҳоким ёрдамчиси сўроқлаб қолди. Каттагина корхонада хотин-қизлар учун иш ўрни очилганини, ишга кирса, яхшигина маош беришини айтди. Мухлиса ҳеч иккиланмай, бошқалар қатори ишлаш истагида айтилган манзил томон борди.

Маҳалласидан ўн беш дақиқалик йўл юриб, Шахрисабз тумани марказига яқин ҳудудда жойлашган “Oq saroy textile” корхонасига етиб келди. Орадан чамаси ярим соатлар ўтмасдан, тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб, ишга қабул қилинганини айтишди.

Корхонада дастлаб янги келганларга иш ўргатиш учун ўқув курси ташкил этилди. Тиришқоқлиги сабаб ишни тез ўрганиб олди, кўп ўтмай, ип-йигирув цехига операторлик вазифаси ишониб топширилди.

— Анчадан бери ўз иш ўрним бўлишни орзу қилиб юргандим, — дейди “Oq saroy textile” корхонаси оператори Мухлиса Эрматова. — Янги цехга ишга қабул қилишганида жуда мамнун бўлгандим. Мана, бу ерда меҳнат қилаётганимга ҳам бир йилдан ошди. Ойлигимиз яхши. Турмуш ўртоғим хорижга яхши иш тополмай, яқинда қайтиб келди. У киши ҳам шу ерга ишга кириш истагида. Четга чиқмасдан ҳам яхши даромадни шу ердан топса бў-

лиши мумкинлигини кўрдик. Давлатимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, томорқадан даромад олишни ҳам мақсад қилганмиз.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” ЙЎЛ ОЧДИ

Фарангиз мактабни битириб, олийгоҳда ўқши ниятида эди. Каттагина орзулар билан институтга ҳужжат топшириб, имтиҳонга кирди. Аммо омади чопмади. Ёш бўлса-да, шашти сўниб, негадир тушкунликка тушиб қолди. Бу вазиятда бирор ишга кириб, ота-онасига ёрдам беришни маъқул кўрди. Иш ҳам топилавермади. Ишлаш истагида тақиллатмаган эшиги қолмади. Бирида ёшсан, яна бирови диплом керак, базилари бўш ўрин йўқ, дея жавоб берди. Бор умиди “Ёшлар дафтари”дан бўлди. Олдинроқ маҳалланинг ёшлар етакчиси рўйхатга олишини айтганда, розилик бермаганди. Энди ўзи бориб ёздириб қўйди. Буни қарантки, орадан бир ҳафта ўтмасдан, ёшлар етакчиси кўнгирок қилди.

Айтилган манзилга келиб, қисқа фурсатда ишчилар қаторидан жой олди. Эндигина 19 ёшда бўлишига қарамай, корхонанинг энг фаол ходимларидан бири сифатида этироф этила бошлади.

— Шундай йирик тўқимачилик корхонасида ишлайман, деб ўйламагандим, — дейди Фарангиз Раимова. — “Ёшлар дафтари”га киритилгач, ўз ўрнимни топишга имкон яратилди. Ҳар янги кунни ўзгача кайфиятда кутиб олам. Корхона томонидан қўйилган автобус эрталаб маҳалладан олиб кетади. Ишлаш ва дам олиш учун шарт-шароит яратилган. Маошимизни ҳам вақтида оламиз. Ишчилар орасида тендосларим кўп. Бу ерда тажриба ошириб, келгусида ўзим ҳам тикувчилик

цехини очишни ният қилганман. Агар орзуларим амалга ошадиган бўлса, иш ўрни яратишга ўз ҳиссамни қўшаман.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

“Oq saroy textile” Шахрисабз туманида ип йигирув, трикотаж-мат ва пахтачилик кластерига ихтисослаштирилган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда пахтани қайта ишлаб, ип-кала ва ҳамда мато тўқиш цехлари мавжуд. Корхона бугунги кунда маҳсулотларини нафақат ички бозорга, шу билан бирга, Россия, Хитой ва Туркияга ҳам экспорт қилади. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда туманда етакчилик қилмоқда. Бугунги кунда мазкур корхонада бир ярим мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган.

— Цехларимизда иш уч навбатда ташкил этилган, — дейди корхона раҳбари Асқар Бобоқовлов. — Ассосан, тайёр ип-калава ҳамда мато тўқиш билан шуғулланамиз. Фаолиятимиз кластер тизимига ўтгач, пахтани ўзимиз етиштирамиз, яъни фермерлар билан фючерс шартнома тузган ҳолда қабул қилиб оляпмиз. Шу ернинг ўзида пахтани тозалаб, қайта ишлаш имкони мавжуд. Барча ускуналаримиз хориждан келтирилган.

Ўтган йили 3 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотларимизни экспорт қилдик. Жорий йил бу кўрсаткични янада оширмоқчимиз.

Корхонада ўтган йили 26 миллион долларлик янги лойиҳа амалга оширилди. Натижада ўтган бир йил давомида саккиз минг тонна пахтани қайта ишлаш ва ип-калава ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди, қўшимча 380 та иш ўрни яратилди.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шахрисабз туманида 2023 йилда 4 миллион долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган эди. Амалда эса бу 4,3 миллион долларни ташкил этди.

Жорий йилги режа эса янада улкан. 2024 йилда 79 миллион долларлик хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш вазифаси юкланган.

— Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрдаги “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида еттига лойиҳа доирасида ўн миллион доллардан ортиқ маблаг ўзлаштирилади, — дейди Шахрисабз тумани ҳокими ўринбосари Муҳаммад Абдулхаиров. — Биринчи навбатда, Англиянинг икки ярим миллион долларлик инвестицияси ҳисобига 5 МВт. ва 400 кВт. қувватдаги микро ГЭСлар қурилмоқда. Шунингдек, учта йирик банк томонидан меҳмонхона, савдо мажмуалари, ресторан ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо қилинади.

Оқоридаги таҳлилларга кўра, туманда иқтисодий барқарорлик таъминланётгани боис, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб, ҳаётдан розилиги ортмоқда. Бу жараёнда кластер тизими катта аҳамият касб этаётир.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

НУҚТАИ НАЗАР

АХБОРОТ ТАЙЁРЛОВЧИДА ГАП КЎП

Ҳар куни биргина қўлимиздаги телефон орқали юзлаб янгиликлардан хабардор бўламиз. Лекин биз танишаётган турли мазмундаги ушбу хабарларнинг ҳаммасини ҳам ҳолис, ҳаққоний, деб бўлмайди.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б.

Аслида, ахборот тайёрловчи ва тарқатувчида гап кўп. Шу ўринда, бир мисол. Тўртта ташилот ҳамкорлигида ўтказилган тадбирни ҳар бир идора ўз корхонаси манфаати нуқтаи назаридан ёритади. Энди хорижда бўлиб ўтаётган муҳим жараёнлар ҳақидаги ахборотни иккинчи ёки учинчи манба орқали олишни ўйлаб кўринг. Улар ахборот мазмунини сездирмасдан бир оз ўзгартриб, ўз қарашларидан келиб чиқиб тақдим этишни ҳам мумкин. Аммо буни ҳаммаша ҳам англаш қийин. Қолаверса, ҳар доим ҳам хабарни текширишга вақт, ҳафсала бўлмайди.

Халқаро медиамаконда рақобат кучайган ҳозирги кунда дунёдаги ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган ахборотда қандай гоя ва мақсадлар яширин эканини тўлиқ пайкаш мушкул. Ахборот бир қарашда ишончли кўринади — воқеа жойидан, муайян манфаатдан келиб чиққан ҳолда, ўта устакорлик билан олинган расм ва видеолар, интервьюлар эълон қилинади.

Сир эмас, кейинги пайтларда бу борада ҳам сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда, кўпаймоқда. Бу эса халқаро медиамакон материалларида ғаразли мақсадлар йўлида сохтакорлик кўпайиши эҳтимоли мавжудлигини билдиради.

Шундай экан, айна ҳолат журналист ва блогерларимиз, ижодкорларимиз ўта хушёр ва огоҳ бўлиши лозимлигини, соҳага оид замонавий билимларни пухта эгаллаб бориши зарурлигини, замон билан ҳамнафас, ҳатто бир қадам олдинда юриши керак ва шартлигини кўрсатади.

Бугунги ривожланишлар жараёнида ахборот хуружлари энг катта таҳдидлардан бирига айланди. Шу йил 12 январь куни бў-



либ ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайtirлган йиғилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ахборот маконидида миллий контент яратиш, ахборот хавфсизлиги масаласига бежиз алоҳида эътибор қаратмади.

Луғатларда миллий сўзига “халқона, миллатга тегишли, диний, бирор мамлакат, давлат ва унинг аҳолисига оид, бирор миллат, халқнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятларини ифодаловчи” деб, контент сўзига эса “ўз-ўзини ифода этиш, тарқатиш, маркетинг ва / ёки нашр этиш учун нуқт, ёзув ёки турли хил санъат турлари каби бирор-бир восита орқали ифодаланиши керак бўлган ахборот воситаси”, дея изох берилади. Бундан миллий контент тушуначасининг қамрови кенлиги англашिलाди.

Аввало, миллий контент деганда миллий манфаатларимизни назарда тутган ҳолда юртимиз ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тайёрланган ҳолис, ҳаққоний материалларни тушунамиз.

Мамлакатимизда юртдошларимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фан, таълим, иқтисодиёт, маданият, тадбиркорлик, санъат, спорт, кўйингки, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самараси, юзага келган муаммолар ва эришилаётган ютуқлар ёритиладиган ҳар жиҳатдан пишқ-пухта, сифатли медиа маҳсулотлар ҳам миллий контентни бойитишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Юртимиз тарихи ва ўзига хос жиҳатлари, географияси, миллий давлатчилигимиз, ҳадид боболаримиз, улуг саркардаларимиз, аждодларимиз ҳамда ижодкорларимиз ҳаёти ва фаолияти, миллий менталитетимиз, юртимиз табияти, миллий манфаатларимиз, Ўзбек тили, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақида тайёрланадиган ижодий ишлар ҳам миллий контент сирасига қиради.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 2019 йил 17 июль куни бўлиб ўтган IV конференциясида қабул қилинган Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси олтинчи бўлимида “Журналист қандай мавзуга қўл урмасин, миллий ўзига хослик, миллий маънавият ва ахлоқий қадриятларга, шу билан бирга, бошқа миллат ва элатларнинг урф-одат ҳамда маданиятига нисбатан ҳурмат сақлайди. Материални тарқатишда адабий тил қондаларига амал қилади. Журналист мамлакатининг ахборот маконидига нуфузи ва жаҳон ахборот майдонидаги имиджига путур етказмасликка интилади”, дейилган. Аёнки, журналистик материал — миллий контент тайёрлашнинг ҳам масъулияти бор. Қолаверса, омага кенг тарқатиладиган контент ишончли, ҳолис ва адолатли, ўқувчи учун қизиқарли бўлиши, унга маъно-мазмунли ахборот бериши керак. Бундай материаллар тайёрлаш учун эса муаллиф етарлича билим ва маалакага, маҳоратга эга бўлиши лозим.

Дунёда кечаётган ҳозирги сиёсий вазият миллий контент яратиш ва кўпайтириш масаласи ўта долзарб эканини кўрсатмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш эса миллий хавфсизлик соҳасида муҳим вазифа сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Кези келганда айтиш жоизки, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси ахборот кодекси”

Миллий медиа халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда, дея олмаймиз. Шундай экан, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари олдида бу борадаги ишларни жонлантириш бўйича масъулиятли вазифалар турибди.



лойиҳасининг тўртинчи бўлими ахборот хавфсизлигига бағишланган. Кодекс лойиҳасига шахсининг ахборот хавфсизлиги, жамиятнинг ахборот хавфсизлиги, давлатнинг ахборот хавфсизлиги, оммавий ахборот воситаларида, жумладан, онлайн-платформаларда хавфсизлигини таъминлаш каби моддалар киритилгани эътиборга моликдир.

Шу кунларда тақомиллаштирилаётган мазкур ахборот кодексининг қабул қилиниши натижада журналистика ва ахборот соҳасининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади, медиа соҳага оид тарқоқ ҳолдаги, бироқ мазмунан ўхшаш мавжуд қонунлар битта норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига келтирилади. Бошқача айтганда, соҳага оид қонунчилигимизда мавжуд бўлган бўшлиқ тўлдирилади.

Ҳар куни дунёда қанчадан-қанча воқеа-ҳодисалар рўй беради. Турли қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, бир давлат

иккинчисига таъсир ўтказишга уриниш ҳолатларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу борадаги ахборотларнинг асосий қисмини хориж ОАВ-ларидан оляпмиз. Аммо дунё ҳаётига оид ахборотларни иккинчи ёки учинчи манбадан олишни босқичма-босқич қайтариш чора-тадбирларини кўришимиз ниҳоятда долзарб. Шунинг баробарида, халқимизнинг медиасаводхонлиги ва маънавиятини ошириш, барча турдаги ОАВ, шунингдек, ижтимоий тармоқлар ўзбек сегменти учун миллий контентни кўпайтириш жуда муҳим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумот, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз қондирмас эканмиз, буни бошқалар қилади”.

Бугун оммавий ахборот воситалари сони кўпайиб, ижтимоий тармоқлар шиддат билан ривожланиб бормоқда. Улар тарқатаётган хабарлар сони ошгандан-ошмоқда. Шунга қарамастан, уйқудан уйғонгандан то уйқуга кеттуғимизча янгилик қидириш.

Умуман олиб қараганда, миллий медиа халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда, дея олмаймиз. Шундай экан, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари олдида бу борадаги ишларни жонлантириш бўйича масъулиятли вазифалар турибди.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилган иш режамиздан соҳа етакчилари ва олимлари, тажрибали ва таъниқли устоз журналистлар иштирокида оммавий ахборот воситалари — газета ва журналларда, интернет нашрларида, теле-радиоканалларда, медиа соҳа учун кадрлар етиштирувчи олий таълим муассасаларида миллий контент яратиш ва уни кўпайтириш сирлари, илмий асослари бўйича семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиш ҳам ўрин олган.

Миллий контент тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган бундай ишлар доирасида “Энг яхши миллий контент” республика танловини ўтказиш режалаштирилмоқда. “Facebook” ижтимоий тармоғида миллий контентни кўпайтиришга қўшган ҳиссаси учун”, “Жадидлар ҳақидаги энг яхши материаллар учун”, “Болаларни китобхонликка қизиқтирган блог-постлар учун”, “Интернет тармоғида эълон қилинган энг яхши миллий контент учун” каби саккизта номинация бўйича ўтказиладиган танловда интернет нашрларида фаолият олиб бораётган журналистлар, шунингдек, блогерлар қатнашиши белгиланган.

Булардан қўзланган асосий мақсад журналист ва блогерларимизнинг билими, маалака ва тажрибасини, фаоллигини ошириш, қолаверса, янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси кенг ёритилишини таъминлаш ҳамда халқимизга дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ишончли ахборот тақдим этишдир.



ЖАЙҲУНДАЙ ЖЎШҚИН ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

Меҳридарёлиги туфайли бугун кўз ўнгимизда мана шундай маҳобатли иншоот бўй кўрсатди. Кўприкнинг салобатига, муҳташамлигига назар солган одам янги Ўзбекистоннинг бугунги шиддатли янгиланишларига гувоҳ бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустақкам ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган янги Ўзбекистон, янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўллариридир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида ёруғ кунларни орзу қилиб яшаб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг умидлари рўёбга чиққан тарихий кун.

Янги иншоот ишонч ва дўстлик кўприги экан, уни доим мустақкамлаб бориш керак бўлади. Ҳўш, бу кўприкка ишонч тиргалари қандай қўшилади? Албатта, бунинг учун ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш борасидаги ислохотларни жадал давом эттириш керак. Иқтисодий барқарорлик, оилавий фаровонлик жамиятда ўзаро ҳурмат, ишонч ва меҳрни мустақкамлайди. Шу боис, Президентимиз Хоразмга ташрифи давомида яна бир қанча янги лойиҳалар билан танишиб, келгуси режалар ҳақида таклифларни илгари сурди.

Дунё таърибасидан кўриб турибмизки, кадрлар салоҳияти, ишлаб чиқариш кўлининг кенглиги табиий бойликлардан ҳам кўпроқ наф қелтириятти. Шунинг учун кейинги йилларда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, агросаноатда кластерлар томонидан замонавий корхоналар қурилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда. “Хива кластер” масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолиятини бунга мисол келтириш мумкин.

Кластер томонидан ўтган йил ноябрда Хива туманида ишга туширилган корхона Туркия, Германия ва Хитойнинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 500 кишининг бандлиги таъминланди. Бу 500 оиланинг иқтисодий барқарорлиги, фаровонлиги, ижтимоий соғломлигига ижобий таъсир қилди, дегани. Шунингдек, корхона йилга 7 минг тонна ип-калава, 4 минг тонна трикотаж-мат, 10 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Сифати халқаро стандартларга жавоб берадиган бу маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади. Бу — корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 15 миллион доллар, дегани. Мамлакат иқтисодида муносиб ҳисса қўша оладиган корхона хиваликлар ифтихорига айланган, десак муболага бўлмайди.

— Президентимизнинг кластер тизимини яратиб бериши биз учун жуда катта имкониятлар эшитгани очди, — дейди “Хива кластер” масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Алишер Собиров. — Чунки олдин хомашё топишда қийинчиликлар бўларди. Топсак ҳам унинг сифати тўғри келмас, тўғри келса, узилтилар сабаб турли муаммолар бўларди. Эндиликда хомашёдан кўнглимиз тўқ. Бу эса, ўз навбатида, бизда кейинги босқичларга ўтиш имкониятини берди. Натияжада ҳозир корхонада тўқув, бўяш йўлга қўйилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга етиб келдик.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бугунги тенденциядан келиб чиқиб, корхонамизда энергиятежамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамда иситилади. Натияжада катта миқдордаги табиий газ яратиб бериши биз учун жуда катта имкониятлар эшитгани очди, — дейди “Хива кластер” масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Алишер Собиров. — Чунки олдин хомашё топишда қийинчиликлар бўларди. Топсак ҳам унинг сифати тўғри келмас, тўғри келса, узилтилар сабаб турли муаммолар бўларди. Эндиликда хомашёдан кўнглимиз тўқ. Бу эса, ўз навбатида, бизда кейинги босқичларга ўтиш имкониятини берди. Натияжада ҳозир корхонада тўқув, бўяш йўлга қўйилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга етиб келдик.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бугунги тенденциядан келиб чиқиб, корхонамизда энергиятежамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамда иситилади. Натияжада катта миқдордаги табиий газ яратиб бериши биз учун жуда катта имкониятлар эшитгани очди, — дейди “Хива кластер” масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Алишер Собиров. — Чунки олдин хомашё топишда қийинчиликлар бўларди. Топсак ҳам унинг сифати тўғри келмас, тўғри келса, узилтилар сабаб турли муаммолар бўларди. Эндиликда хомашёдан кўнглимиз тўқ. Бу эса, ўз навбатида, бизда кейинги босқичларга ўтиш имкониятини берди. Натияжада ҳозир корхонада тўқув, бўяш йўлга қўйилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга етиб келдик.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бугунги тенденциядан келиб чиқиб, корхонамизда энергиятежамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамда иситилади. Натияжада катта миқдордаги табиий газ яратиб бериши биз учун жуда катта имкониятлар эшитгани очди, — дейди “Хива кластер” масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Алишер Собиров. — Чунки олдин хомашё топишда қийинчиликлар бўларди. Топсак ҳам унинг сифати тўғри келмас, тўғри келса, узилтилар сабаб турли муаммолар бўларди. Эндиликда хомашёдан кўнглимиз тўқ. Бу эса, ўз навбатида, бизда кейинги босқичларга ўтиш имкониятини берди. Натияжада ҳозир корхонада тўқув, бўяш йўлга қўйилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга етиб келдик.

Иқтисодиёт тармоқларидаги бугунги тенденциядан келиб чиқиб, корхонамизда энергиятежамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамда иситилади. Натияжада катта миқдордаги табиий газ яратиб бериши биз учун жуда катта имкониятлар эшитгани очди, — дейди “Хива кластер” масъулияти чекланган жамият таъсисчиси Алишер Собиров. — Чунки олдин хомашё топишда қийинчиликлар бўларди. Топсак ҳам унинг сифати тўғри келмас, тўғри келса, узилтилар сабаб турли муаммолар бўларди. Эндиликда хомашёдан кўнглимиз тўқ. Бу эса, ўз навбатида, бизда кейинги босқичларга ўтиш имкониятини берди. Натияжада ҳозир корхонада тўқув, бўяш йўлга қўйилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга етиб келдик.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустақкам ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган янги Ўзбекистон, янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўллариридир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида ёруғ кунларни орзу қилиб яшаб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг умидлари рўёбга чиққан тарихий кун.

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



Аммо бу кўламин Хоразмда янада кенгайтириш имконияти бор. Бу иқтисодиётнинг асосий драйвери бўлган туризм соҳасидир. Президентимиз вилоятга ташрифи давомида туризмни ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур қабул қилинишини айтди. Ҳўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилади? Аҳдоқларнинг моддий-маданий меросидан оқилона фойдаланиш учун нималарга аҳамият бериш зарур?

Давлатимиз раҳбарининг вилоят фаоллари билан бўлган учрашувида шу каби саволларга жавоб топилди. Аввало, ҳар қандай соҳа ривожини учун моддий таъминот керак. Шу боис, энди туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тушуми 3 йил давомида Хоразмнинг ўзида қолдирилади. Бу тушумнинг кўпроқ бўлиши сайёҳларнинг ташрифига боғлиқ. Уларни Хоразмга қорлаш учун эса туристларга бир йил давомида чекловсиз вилоятга кириш учун “Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади. Бу уйдан олисга кетган одам отамаконга қандай соғинч ва қувонч билан қайтса, хорижий меҳмонларнинг кўҳна кентга шундай иштиёқ билан келишига туртки бўлса, не ажаб. Албатта, бундай меҳмонларни халқимиз очиқ чеҳра билан қарши олади.

Сайёҳларни жалб этадиган яна бир жиҳат миллий таомларимиздир. Айниқса, хорижий сайёҳлар Хоразм таомларини севиб истеъмол қилади. Демак, бу таомлар тарғиботини қучайтириш, аини пайтда овқатланиш учун қулай шароитлар яратиш керак. Шунинг учун Хива шаҳрида 24 соат ишлайдиган ресторан, кафе ва овқат расталари ишга

Худуд тўла-тўқис тараққий этиши учун илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш зарурати туғилади. Бунинг учун хорижий мутахассис ва сармоядорларни жалб этиш керак. Улар ўз сармояси, бизнес режаси асосида келиб, соҳадаги билим ва кўникасини ҳам бўлишади. Ана шундай сармоядорлардан бири хитойлик Чанг Хе Шенгдир.

— Ўзбекистон Президенти билан кўришганимдан жуда хурсандман, — дейди Чанг Хе Шенг. — Учрашувда вилоятда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда машина-созлик, шаҳарсозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, тиббиёт, озиқ-овқат каби муҳим тармоқларда умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик ўнлаб лойиҳалар ишлаб чиқилганидан хабардор бўлдим.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларимизнинг иқтисодий самарадорлиги билан танишиб, уларни жадаллаштириш, тадбиркорларга қўшимча шароит яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Лойиҳаларимиз бир нечта. Шулардан бири Хоразмда канализация тизимини яхшилаш бўйича. Яна бир лойиҳамиз қурилиш учун рангли бўёқлар ишлаб чиқариш. Бу ҳам Ўзбекистон учун катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки биз ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотлар ҳозирда мамлакатимизга импорт ҳисобига кириб келмоқда.

Энг муҳими, Шавкат Мирзиёев биз, инвесторларга берган барча ваъдаларини бажаряпти. Хавфсизлигимиз, лойиҳаларини тез амалга ошириш учун мутасаддиларнинг бириктирилиши шулар жумласидан.

Мамлакатингизга сармоя киритишимиз Ўзбекистон Президентининг Шэньчжэнь шаҳрига ташрифининг мантқийи давоми бўлди, десак муболага бўлмайди. Очиги, лойиҳаларимизнинг бунчалик қисқа вақтда амалга оширилиш жараёни бошланишини кутмагандик. Шунинг ўзи ҳам Ўзбекистонда ривожланиш жараёни тез суръатларда давом этаётганининг тасдиғидир.

Ташриф доирасида Президентимизга Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий истиқбол учун муҳим яна қўшлаб янги лойиҳалар тақдим этилди. Масалан, шолчилик бўйича. Ушбу йўналишда илмий ёндашувларни жорий этиш вақти келган. Бу борада Филиппиндан олиб келинган шўғра чидамли навларни Хоразм шароитига мослаш, Жанубий Корея билан ҳамкорликда шолчиликнинг корхонаси ташкил этиш зарурлиги айтилди. Муҳим жиҳат, шолчиликда ҳосилдорликни 150 центнерга чиқарган деҳқонларга маҳсулотининг ярмини экспорт қилишга рухсат бериш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган муборак ойда эҳтиёжманд инсонлар, айниқса, фарзандларимиз ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳимлигини қайд этди. Бу таъаббус ортдан эшитишда нуксонни бор 500 нафар болага бепул кохлеар аппарати ва бошқа имплантлар қўйиш учун 62 миллиард сўм ажратиладиган бўлди. Яна 2 минг бола эшитиш мосламаси билан таъминланади.

Мақоламиз аввалида хоразмликларни меҳнатсевар, синовларга матонатли, деярли фақатлиқ. Шу билан бирга, улар ишбилармон ва гайрат-шижоатли эл ҳисобланади. Уларнинг кўнглидан қойи олиш, ишончини қозониш учун эркин фаолият юритишга имкониятлар яратиш, сўзда собитлиқнинг ўзи етарли. Бугун давлатимиз раҳбари ана шу имкониятлар эшитгани очиб бериш учун устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди. Энди уларнинг ижроси учун масъулларнинг собит қадамлиги керак, ҳолос. Бинобарин, хоразмликлар ўзлари каби очик чеҳрали, тўғрисуз инсонларни қадрлайди. Синовларга қарамай, улар ортдан мардона эргашади.

Лутфулла СУВОНОВ,
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



11,5 триллион сўм кредит йўналтириладиган бўлди. Бу маблағдан самарали фойдаланиш учун ҳар бир туман ва шаҳарни комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланади. Шу дастур асосида режалар ишлар амалга оширилади. Муҳим жиҳатлардан бири эса Хоразмда Хитой таърибаси асосида “уй саноати” ривожлантирилади. Масалан, Богот, Янгирарик, Янгйобозор, Қўшқўтир ҳамда Урганч туманларида жун ва пиллани қайта ишлаш, Ҳазорасп, Хива, Тупроққалъа ва Хонқада гилам тўқиш аммалашиган. Асрлар оша аҳдоқлар хунарини давом эттириб келаётган аҳолини рабатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўлами кенгайди. Яъни ипакчилик ва гиламчилик кооперациялари ташкил қилинади. Хонадонларда ихчам ускуналар ўрнатиш учун 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади. Бу ўз-ўзидан иш ўринлари яратилади, аҳоли турмуш тарзи янада яхшиланади, дегани. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида бу йил 5 мингта хонадонга интернет услуда баллиқ боқиш, 4400 хонадонга тикувчилик, парранда, чорва, асалари ва бодорчилик бўйича молиявий кўмак берилади.

Бундан ташқари, меҳмонлар халқимиз ўтмиши, миллий қадриятларимизга ҳам қизиқади. Сайёҳларга буларнинг барчасини битта жойда жамлаб кўрсатиб бериш ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Шу боис, Урганч шаҳрида “Лазги” ва “Авесто” музейларини ташкил қилиш таклифи аини муддао бўлди. Бундай имкониятлар Хоразмни халқаро майдонда бепул реклама қилиш имконини ҳам беради. Негаки, сайёҳлар барча замонда ҳам ўзлари кўрган ўлкалар ҳақида бошқаларга ҳикоя қилиб беришини ёқтирган. Дунёнинг турли бурчагидан келган меҳмонлар қадим Хоразм, унинг узоқ ўтмиши, маданияти, санъати билан қанча кўп ва яқиндан танишса, ўз юртида бу ҳақида шунча кўп сўзлайди. Расм, видеолар ҳақида қилиб яқинларига юборади. Бу бизнес оламида содда қилиб “ўзи юрадиган реклама” дейилади.



Агротармоқ

Кишнинг сўнгги ойда юртимиз бўйлаб бирин-кетин давом этган ёгингарчилик кўпчилиكنинг кўнглидаги иш бўлди. Дехқонлар ерларимиз тўйиниб, баҳорда зарур бўладиган сув захираларини яратиб олишидан умидвор. Ота-боболаримиз ёгингарчилик кўп бўлса, қурғоқчилик бўлмайди, деган. Бизнинг давримизга келиб, глобал иқлим ўзгаришлари таъсирида юзага келаётган қурғоқчилик, сувсизлик кабилар айнан жиддий хавфга айлангани рост. Айниқса, Орол муаммоси сабаб Марказий Осиёда вазият кескинлашиб бормоқда. Минтақада ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки барабар кўпайган. Бу бевосита тупроқ сифати ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.



Яъни меъёридан ортқ иссиқ ҳарорат сабаб тупроқларнинг емирилиши, шўрланиш, қурғоқчилик ортиб борапти. Ушбу муаммонинг асосий қисми, аввало, озик-овқат хавфсизлигига бориб тақалади. Жорий йилнинг 2 февраль куни юртимизда узоқ кутилган муҳим ҳужжат қучга кирди — “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Ушбу қонуннинг аҳамияти, мамлакатимиз тупроқнинг ҳозирги ҳолати, уни муҳофаза қилиш ва ҳосилдорлигини кўпайтиришга қаратилган ҳаракатлар хусусида **Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти директори, биология фанлари доктори Шухрат БОБОМУРОДОВ** билан суҳбатлашдик.

— Қишлоқ ҳўжалигининг асосини ер ташкил этади. Унумдор тупроқ бўлмаган жойда сифатли маҳсулот етиштириб, мўл ҳосил олиш амри маҳол. Шу жиҳатдан, ҳар бир давлатнинг озик-овқат хавфсизлиги ҳам бевосита тупроқ ҳолатига боғлиқ бўлиб қолди, — дейди Ш.Бобомуродов. — Гап шундаки, тупроқнинг нурган тоғ жинсларидан энг катта фарқи унинг унумдорлигидадир. Ана шу унумдор юзада инсон учун зарур озик-овқат маҳсулотининг 95 фоизга яқини етиштирилади. Демак, тупроқдан самарали фойдаланиш ва унинг унумдорлигини ошириш нафақат қишлоқ ҳўжалиги ҳоҳасининг бир қисми, балки мамлакат миқёсидаги долзарб масаладир.

Афсуски, сайёрамизда ер ресурсларига бўлган табиий ва антропоген таъсир ортиб борапти, натижада деградация жараёнлари фоллашган. Бу ҳозирги вақтда глобал муаммо бўлиб, ҳеч бир минтақа ёки давлат ўзини тупроқ деградацияси муаммосидан тўлиқ холи бўлган, ҳимояланган деб ҳисоблай олмайд. Бундай салбий жараёнлар юртимиз қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган тупроқларда ҳам мавжуд. Улар сирасига шўрланиш, эрозия, гумус ва озика элементларнинг камайиши, турли кимёвий воститалар билан ифлосланиш каби оқибатларни киритиш мумкин. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизга яқини турли даражада шўрлангани, 69 фоизга яқини тупроқ устки қатламда гумус миқдори бор-йўғи 0,5-1 фоизни ташкил этгани, 600 минг гектар яйлов ерлари деградацияга учрагани ҳам бунга яққол кўрсатмоқда.

Юртимизда узоқ йиллар давомида қишлоқ ҳўжалиги ҳоҳасига ёскича усулда ёндашилиб, ерларнинг ҳолатига совуқчун муносабатда бўлиб келингани бунинг сабабларидан бири. Тупроқларни асраш, унумдорлигини оширишга деярли эътибор қаратилмаган. Натижада улар ачинарли аҳволга келиб қолди. Ваҳоланки, табиий мувозанатни сақлаш учун ҳам тупроққа нисбатан гамхўрликни қучайтириш зарурати аллақачон юзага келганди. Шу боис, кейинги йилларда бу борада аниқ ва тизимли ҳаракатлар бошланди. Нафақат иқтисодий ва ташкилий, балки ҳуқуқий жиҳатларини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилляпти.

Чунки қишлоқ ҳўжалиги ҳоҳаси ҳозир мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим йўналишларидан бири. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ушбу тармоқни илмий асосда интенсификантлаштириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 барабар ошириш, қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўсшини камида 5 фоизга етказиш мақсад қилиб олинган. Мазкур мақсадга эришиш учун эса тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш асосий ўстувор йўналишлар қаторига кирди.

Ўтган йили Дубай шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (COP28) давлатимиз раҳбари ушбу масалага эътибор қаратганини эслайлик. Президентимиз ўз нутқида иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланганини таъкидлади. Қайд этилганидек, глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибат-



Уни муҳофаза қилиш кимнинг зиммасида?



лари, тупроқ емирилиши, мунтазам чанг ва қум бўронлари, ичмиллик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик қисқариши, ҳосилдорлик кескин пасайиши ва ерлар деградациясининг олдини олиш, озик-овқат хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби кўплаб бошқа муаммолар минтақада истиқомат қилаётган миллионлаб одамлар ҳаёти фаровонлигига таҳдид соляпти. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги ҳоҳаси бундан жиддий зарар кўриб, тупроқ унумдорлиги пасайишига

ошириш, унинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ҳам киритилган. Бунга кўра, тупроқнинг унумдор қатлами сидириб олинмаган ва сақланмаган факти аниқланганда, етказилган зарарнинг ўрни маҳаллий бюджетдан қопланади. Мазкур пул маблағларидан қишлоқ ҳўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун фойдаланилади.

Шунингдек, қонуннинг яна бир эътиборли жиҳатида тўхталиб ўтмоқчиман. 9-модда



олиб келаётгани инсоният олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Агар бутун биз тупроқларни муҳофаза қилмасак, эртага оқибатлар кўлами янада ортиши ҳеч гап эмас.

— Бу борада янги қонун қабул қилинмиши вазиятни қанчалик юмшатади? Яъни ҳуқуқий асос тупроқ муҳофазасини ошириш бораида қандай вазифаларни қўймоқда?

— “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун, аввало, табиий бойлигимизга бўлган муносабатимиз, масъулиятимизни янада оширади. Ота-боболаримиз айтганидек, она ер бизни боқади, тўйдиради. Демак, уни муҳофаза қилиш, асраб-авайлашга барчамиз масъул.

Шу жиҳатдан, мазкур қонуннинг мақсади заминимиз тупроқ қатламини муҳофаза қилиш, унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун 4 боб, 29 моддадан иборат бўлиб, атроф-муҳитнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, табиий экологик тизимларни муҳофаза қилиш, тупроқдан самарали ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, унинг сифати ва унумдорлигини сақлаш ҳамда салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш каби долзарб масалаларга эътибор қаратади.

Жумладан, қонуннинг 10-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги ваколатлари келтирилган. 18-моддасига эса тупроқ мониторингини амалга

билан тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, асраб-авайлашга барчамиз масъул. Шунингдек, қонуннинг яна бир эътиборли жиҳатида тўхталиб ўтмоқчиман. 9-модда

Умуман, ушбу йўналишда ечимини қутаётган масалалар кўп. Масалан, тупроқнинг сифати ва эканлар ҳосилдорлигини ошириш учун унинг таркибини бойитиш, минерал ўғитларни табақалаштириб қўллашимиз лозим.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти таҳлилларига кўра, бугунги кунда юртимиздаги 3,7 миллион гектар суғориладиган ерларнинг 2,5 миллион гектарида гумус миқдори 1 фоиздан паст даражада. Солиштириш учун айтадиган бўлсак, тупроқдаги гумус миқдори 1 фоизгача бўлса, пахтадан гектаридан 30 центнер, 1,1 фоиз бўлса, 34 центнер ҳосил олинади. Тупроқ таркибига гумус миқдори ошириш ҳисобига пахтадан қўшимча 4 центнер, буғдойдан эса 9-13 центнер ҳосил олиш мумкин.

Қарорда тупроқ унумдорлигини ошириш учун мақсадли субсидия ажратиш тизимини жорий қилиш ҳам назарда тутилган. Дастлаб бу тажриба тариқасида юртимизнинг 13 та туманида амалга оширилади. Биринчи йилда субсидиянинг 70 фоизи олдиндан тўлаб берилиши, иккинчи йилда эса ҳосилдорлик натижасига қараб, яна 30 фоиз берилиши кўзда тутилган. Субсидия миқдори ҳар гектар учун 1 миллион сўмини ташкил қилиб, ҳосилдорлики 10 фоизга оширган ердан фойдаланувчиларга берилади.

Юқоридаги қонуннинг моҳияти ҳам шунда. Яъни белгиланган мақсадларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиш баробарида, кўплаб вазифалар, илмий тадқиқотлар, янги лойиҳаларни ишга туширишга йўл очади.

— Илмий тадқиқотлар ҳақида гапирдингиз. Ҳозир мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги замонавий, рақамлашган соҳага айланган. Тупроқларни муҳофаза қилиш йўналишида бу қанчалик кўзга ташланади? Мавзуга оид муаммолар ечимида қандай инновацион лойиҳалар, илмий изла-нишлар олиб бориляпти?

— Бу борада, аввало, соҳага илм-фан ва замонавий инновацияларни олиб кириш энг тўғри ечимдир. Таъкидлаётганимиздек, яъни юртимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яъни олимларимиз энди кичик тадқиқотлардан тортиб, катта лойиҳаларгача — барини замонавий қурилмалар, рақамли технологиялар асосида амалга ошираётгани

“Юртимиздаги суғориладиган ерлар турли даражада сув ва ирригация эрозиясига чалинган майдонлар 630,3 минг гектар бўлиб, шундан 343,8 минг гектари кучсиз, 208,6 минг гектари ўртача ва 78,1 минг гектари кучли ювилган тупроқларни ташкил этмоқда. Суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи турли даражада шўрланган ва шундан 0,9 фоизи жуда кучли шўрланган ер майдонлари тоифасига киради.”

ўз натижасини берапти. Тупроқшунослик соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Биргина тупроқ сифатини баҳолаш ишларини олайлик. Кейинги йилларда бу йўналишдаги тадқиқотлар сони билан бирга, аниқлик даражаси ҳам ортди. Хусусан, ўрганишлар давомида тупроқ деградацияси билан боғлиқ бир қатор янги ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Масалан, юртимиздаги суғориладиган ерлар турли даражада сув ва ирригация эрозиясига чалинган майдонлар 630,3 минг гектар бўлиб, шундан 343,8 минг гектари кучсиз, 208,6 минг гектари ўртача ва 78,1 минг гектари кучли ювилган тупроқларни ташкил этмоқда. Суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи турли даражада шўрланган ва шундан 0,9 фоизи жуда кучли шўрланган ер майдонлари тоифасига киради.

Тадқиқотлар ҳудудлар кесимида ўрганилиб, замонавий технологиялар ёрдамида қайд этиб борилаётгани ҳам иш самардорлигини оширяпти. Жумладан, Тупроқшунос-

лик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ва унинг минтақавий бўлинмалари томонидан 2022 йилда Сирдарё, Навоий, Фарғона ва Андижон вилоятларида жами 576,8 минг гектар шўрланишга мойил бўлган суғориладиган майдонларда тадқиқотлар олиб борилиб, шўрланган тупроқлар умумий ҳаритага туширилди. Кейинроқ худди шу ишларни Жиззах, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги жами 666,1 минг гектар ер майдонида амалга оширдик. Ўтган йили Тошкент ва Самарқанд вилоятларида мавжуд жами 641 минг 694 гектар суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишлари олиб борилди. Умумлаштирилган таҳлилий маълумотлар эса Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Геопорталига жойлаштириляпти.

Ҳозирги кунда институтда 10 та илмий лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Мазкур лойиҳалар тупроқнинг хосса-хусусиятларини яхшилаш, мелиоратив ҳолатини барқарорлаштириш, органик моддага бойитиш, минерал ўғитлар самардорлигини ошириш, зичлаштириш ва ифлосланишининг олдини олиш, эрозияга қарши курашиш бўйича ресурстежамкор технологиялар ва илмий ечимлар ишлаб чиқишга қаратилган. Табиийки, улар орқали мавжуд муаммолар бўйича асосланган ва замонавий усуллардан иборат аниқ таклифлар илгари сурилади.

Масалан, бутунги кунда мамлакатимиз суғориладиган майдонларида деградациянинг бир тури бўлган шўрланиш муаммоси мавжуд. Бунинг ёмон томони шундаки, тупроқдаги ортиқча тузлар ўсимликларнинг ўсишига тўсқинлик қилиб, ҳосилни камайтиради. Одатда бунга қарши курашишда анъанавий усуллардан бири бўлган шўр ювишдан фойдаланилади. Бироқ бу усул жуда кўп сув талаб қилиб, ортиқча исрофгарчиликни юзага келтиради. Шундоқ ҳам сув манбаларимизнинг асосий қисми қишлоқ ҳўжалигига сарфланишини ҳисоба

гиялардан биргаликда фойдаланиш кўзда тутилган. Бу каби инновацион амалиётлар тупроқ тузилишини яхшилаб, шўрланиш даражасини камайтириш баробарида, суғориш сувларини тежашга ёрдам беради.

Энг муҳими, соҳада ўтказилаётган илмий тадқиқотлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиб борапти. Тупроқ таҳлилларини юқори аниқлик ва тезликдаги замонавий ускуналарда амалга оширялмиш. Масалан, Германияда ишлаб чиқарилган “Agilent 5800 ICP-OES” спектрометрини олайлик. Қурилма шу турдаги асбобларнинг энг янги эволюцияси ҳисобланади. Ундан, асосан, тупроқдаги металл таркибини таҳлил қилишда фойдаланилади. Технология намуна таҳлили пайтида бутун тўлқин узунлиги бўйлаб маълумотларни тўплайди ва улардан намунадаги 70 тагача элемент концентрациясини ҳисоблашда фойдаланади.

Албатта, бу лойиҳалар катта маблағ талаб этади. Йиллар давомида юртимизда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмагани, ер майдонларидан илмий асосларсиз, ўзбошимчалик билан фойдаланилгани сабаблари ҳам лойиҳалар учун маблағ ажратилмаганига бориб тақалади. Бу эса мамлакатимизнинг катта қисмидаги ер майдонлари, тупроқнинг сифати бузилиши, унумдорлиги йўқолишига олиб келди. Энди уларни тиклаш, борини асраган ҳолда, унумдорлигини ошириш учун катта меҳнат, илм ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш талаб этилади. Бугун бу борада давлатимиз томонидан илмга муносабат ўзгарган, илмий лойиҳаларга етарлича маблағлар ажратилмоқда.

Ана шундай тадқиқотларнинг бири натижасида институт олимлари томонидан “Маҳаллий ресурслар асосида органоминерал ўғит олиш технологияси” ишлаб чиқилди. Ушбу агротехнологияни қўллаш бўйича дала тажрибалари эса Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги фермер ҳўжаликларида амалга оширилди. Тадқиқот давомида экан турларининг органик ўғитга бўлган талабини қондириш ҳисобига ғўза ҳосилдорлиги 5-8 центнер, кузги буғдой ҳосилдорлиги эса 12-15 центнерга ошишига эришилди.

Бир нечта йўналишларни қамраб олувчи тадқиқотлар жаҳон тажрибаси асосида, янги технологияларга таяниб олиб борилаётгани бежиз эмас. Бониси, илғор технологиялар иш сифати ва натижадорлигини оширишга хизмат қилади. Экин далаларининг ўзида органик, макро ва микро элементларни кўпайтириш, ғўзани ўғитлашининг глобал иқлим ўзгаришларига мос нисбатларини ишлаб чиқиш, органик деҳқончиликда экологик соф тупроқ шароити ҳосил қилиш, лалмикор майдонларда эканларни алмашлаб экиш тизимида тупроққа ишлов бермасдан экиш технологияси, тупроқларнинг соғломлик кўрсаткичлари халқаро стандартларини (SQI) ишлаб чиқиш кабилар шулар жумласида.

Ёскича қурилма ва технологиялар бу лойиҳаларни амалга оширишга имкон бермайд. Соҳани рақамлаштириш эса жараёни тезлаштиради. Шу боис, ҳозирги кунда шўрланган қишлоқ ҳўжалик ерлари мелиоратив ҳолати маълумотларини қайта ишлашга йўналтирилган мобил иловва, юртимиздаги гипслашган суғориладиган ернинг 3Д карталари, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ ресурсларини баҳолаш ва мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда.

Институтда 2023 йилда сунъий интеллект технологиялари асосида тупроқ ҳолати, унинг унумдорлик кўрсаткичлари ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг ўзаро функционал боғланиши асосида интеллектуал моделлар ишлаб чиқилди. Қишлоқ ҳўжалиги ерларининг тезкор маълумотлари ва уларни қайта ишлашга йўналтирилган “Шўрланган тупроқ” мобил иловаси ҳам яратилди. Шунингдек, институт олимлари томонидан мамлакатимизда илк бор тупроқни халқаро тупроқ кимёвий таҳлиллари стандарти (ISO/TC 190 Soil quality) асосида таҳлил



олсак, тежамкор технологияларни қўллаш вақти келгани ойдинлашади. Шу боис, ушбу муаммони ҳал қилиш учун интеграцияланган қишлоқ ҳўжалиги технологиясини ишлаб чиқишни таклиф этганмиз. У тупроқ шўрланишини самарали бошқариш учун турли хил техника ва амалиётларни бирлаштиришни ўз ичига олади. Бунда тупроққа инновацион биологик фаол моддалар киритиш, майда ёпиқ дренажлаш тизимини қўллаш, фитомелиорация усулларидан фойдаланиш ҳамда шўр сувларни чуқуқлаштириш, яъни тескари осмос (сув филтри) орқали шўрсизлантириш каби техноло-

қилиш технологиясини яратиш бўйича ишлар давом этмоқда. Замонавий тадқиқот ва инновацион усуллар тупроқда содир бўлаётган салбий жараёнларни ўз вақтида аниқлаш, юқори аниқликдаги таҳлилларни ўтказиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалик эканлари ҳосилдорлигини оширишга хизмат қияпти.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

Бугуннинг гапи

БЎЛАМАН ДЕГИЧ ЭЛ...

Азизбек ТУРДИЕВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда мактаб, ўқувчи, ўқитувчи мавзулари тез-тез тилга олинапти. Бир қарашдаёқ бу тушунарли ҳолат: юртимизда боғча тарбияланувчиси, ўқувчи, талаба, ўқитувчилар — таълим иштирокчилари сони ўн миллион атрофида чамаланади. Энди уларнинг ота-онаси, ақинлари ҳам кўшиб ҳисобланса, мамлакатимиз аҳолиснинг аксарияти ўқув жараёни билан бевосита ҳар куни тўқнаш келади ва миллионлар орасида гапиришга ҳамиша мавзу топилади. Қолаверса, эртасини ўйлаган одам борки, таълимга бепарво қарамайди. Шу маънода, ахборот тармоқларида таълим мавзусидаги фаолликни тушуниш мумкин. Ҳолислик билан жон куйдираётган оидинларга миннатдорлик айтиш керак. Бефарқликдан асрасин!




Бугун эътирозларга сабаб бўлаётган айрим масалалар илмизга эътиборингизни қаратмоқчиман. Уронгич ўқитувчилар, сўзонгич ўқувчилар, жанжалкаш ота-оналар бир йилда пайдо бўлдимми? Биз беш-олти йилда шундай тоифага — ижтимоий тармоқларда бўлар-бўлмаста ёқалашадиган, сўзлаш маданияти ва масъулиятини унутган оломонга айландикми? Маънавият, маданият, дея қайта-қайта жон куйдиришлар бежиз эмас-да!

Ўз исмини ҳам тўғри ёзишни билмайдиган, лекин “халқ назоратиман”, “халқ номидан гапираман”, “халқ талаб қилади” каби ҳайқариқлар билан тармоқларни тўлдираётганларни олқишлаб кетавердиган етовдаги миллат бўлиб қолдикми? Ўша жарчиларнинг аксари халқ номидан гапиришга ҳуқуқий ва-

Янги давлат Чўлпон даъват этгани каби қучоқ очиб халқ ичига боришга интиляпти. Халқ қабулхоналари очилди, амалдорман дегани маҳаллама-маҳалла кездиган бўлди, оромкурсилар кабинетлардан халқ ичига олиб тушилди, одамларга бевилска товугу чорва тарқатилди, уй, субсидия берилди... Хуллас калом, яраш оши қилайлик, давлат чинакам халқники бўлсин деб ислохот бошланди. Лекин эски яралар ўрни ҳамон битмай, эски чандиқларга кўзи тушганда одамлар дардини баралла айта бошляпти. Ҳамма соҳадаги янгиликни, яхшилиқни шубҳа-ғумон ва хавотир аралаш қабул қиляпти...

Ўзбекка ўзлигини англатишни орзу қилиб ўтган Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асарида Жамолдин кетмон айтадики:



колати йўқлигини қўятурайлик, ақалли маънавий ҳаққи бўлмагани ҳолда “оғиз йиртаётгани” кишини ўйлантиради.

Таълимдаги бугунги депсиниш кеча пайдо бўлмаган. Ўқитувчи далага ҳайдалган даврларда ўзини ҳурмат қилган зиёлиларнинг таълими тарк этгани, улар ўрнини университет дарсларига тўлиқ бормай ҳам диплом олган авлод тўлдиригани, турли соҳалардан “Ўз ихтиёри билан кетган” олий маълумотлиларнинг мактаблардан паноҳ топгани... Хуллас, сабаб кўп.

Чўққиларга бугун ёққан ёмғиру чор эртасигаёқ тоғ этагидан булоқ бўлиб отилмайдиган, аввал тупроққа чуқур сингиди, тўпладиган, қувват ҳосил қилади ва шароит туғилиши билан тошларни ёриб чиқади. Бу ҳамма билидиган табиий жараён. Бугун жамиятда шаклланган кайфиятни худди шу жараёнга қиёсласак, ўринли бўлади. Мени ўтган кунларга тош отишда айбланган-да, бир мулоҳаза қилиш. Ёсланг, мамлакатимизда ўтган аср 80-йиллари поёнида авжига чиққан ошқоралик 90-йиллар охирида буткул ёпиқлик сиёсати қурбони бўлди. Бирор воқеа ҳақида бонг уриш туғул, сал дадил гапиришга ҳам юрак бетламай қолди. Фарғонада ўқитувчиларга эътибор талаб қилиб, юқорига ҳат ёган мўйсафид педагогнинг уйдан “кутилмаганда” қурол чиқиб, қамалган кунларни, Кўйлик бозори атрофида форма кийган ўзбек формасиз ўзбекни халқ душманидай қувиб юрган дамлари айтилган. Чўққиларга ёққан қору ёмғир мисол халқ бошига шўришлар тушган пайтларни ёдингизга солсаман. Ўшандай воқеалар оқибатидаги норозилик йиғила-йиғила одамлар қалб тубида жамланиб ётганди. Шароит туғилди: сўз эркинлиги берилди, энди ўша норозилик кайфияти баъзан нафратга қўришқ ҳолда яққол бўй кўрсата бошлади. Алининг аламини Валидан олдиқ, дейдилар-ку.


“Бўламан дегич эл бир-бирини ботирим, дейди, бўймайман дегич эл бир-бирини этини ейди”. Тоғай Муроднинг Жамолдин кетмони яшаган давр чор империяси Туркистонни босиб олаётган йилларга тўғри келади. Ўша паллада халқимизда давлатга қайишмаслик кайфиятини кўрган бир сайёх ҳайрат билан ёзганди: маҳаллий аҳоли юртга келаётган ёв аскарларига озиқ-овқат, отларига ем-хашак сотапти. Бундай ҳолат Марказий Осиё забот этилишни тезлаштирган. Сайёх кейинчалик бу жараён сабабини халқ ва давлат бир-биридан айри яшаб келгани билан изоҳлайди. Бугун ҳам узоқ-яқиндаги геосиёсий воқеалар халқимизни ҳар қачонгидан ҳушёр бўлишга, янада жиқлашишга, бирдамликка даъват этипти. Шу қаҳирқини тушунмай, бир-биримизга маламот қилаверсак, ижтимоий тармоқларни ғийбатхонага ва фитна ботқоғига айлантирсак, ҳолимиз не кечади?

Ҳамма таълим тизимидан бошлагандик. Ўзбекистон мактаблари 2030 йилда қандай маррага етиб бориши қатъий белгиланган. Таълимнинг яқин ва узоқ истиқболдаги вазифалар аниқ. Уларга эришиш учун бугун педагоглар мақоми, моддий манфаатдорлиги оширилипти. Янги методикалар ишлаб чиқилипти. Мактабларга чинакам фидойилар, зиёлилар қайтпти. Вақтинча ўқитувчи вазифасини бажараётганлар ўрнини бўшатишга мажбур бўляпти. Чунки саралаш жараёни, аттестация, малака ошириш тизими янгиланди ва жиддий назоратга олинган. Хориждан мактабларимизга малакали мутахассисларни жалб этиш, ўзимизникиларнинг ривожланган давлатларда стажировкасини ташкиллаштириш каби ишлар ҳам салмоқли рақамларда акс этипти. Қисқаси, боғча — мактаб — олий таълимдаги узвий, кенг қамровли — горизонтал ислохотлар бошланган. Ўзгаришлар самараси узоқ куттирмайди. Биз хайрихоҳ кайфиятда, ёрдам бериш ниятида бўлсак, бас!

Фан, инновация ҳар бир ренессанснинг пойдеворидир.

Бугун дунёда рақобат тобора кескин тус олмоқда. Тўртинчи саноат инқилоби даврида рақобатбардош бўлиш фақат замонавий илм-фан ва инновация

ютуқларини кенг жорий этиш билан боғлиқ.



Таълим ўйлаганимиздан кўра каттароқ кучга эга

Ахтам ЯҚУБОВ,
юридик фанлар доктори

Мамлакат тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлигини таъминловчи энг самарали йўл — таълим. Ёшларга мақсадли ва сифатли таълим-тарбия бермасдан ҳамда миллий онгни ислох этмасдан бошқа соҳаларни ривожлантириб бўлмайди.

Жадид боболаримиз ҳам миллий истиқлол ва тараққиётга маърифат, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш, таълим сифатини таъминлаш орқали эришишга қатъий бел болаган. Шу боис, “Миллатнинг тараққийси анинг аввал мунтазам мактабларидан бошланур” деган тамойил жадид маърифатпарварларимизнинг ҳаётий эти-тиқидига айланган эди.

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдевори ҳисобланадиган таълим-тарбия ҳамда илм-фан соҳаларини такомиллаштиришда жадид боболаримизнинг эзгу гоя ва дастурулари, илмий-ижодий меросини янгича тафаккур асосида ўрганиш, уни ҳаётга таъбиқ этиш зиммामиздаги улуг масъулиятдир. Абдурауф Фитрат “Нажот йўли” асарида “Боалар ахлоқий тарбияни муҳитдан (яъни атрофдан) оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўқшайдилар, сув идишининг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар”, дейди. Президентимиз эса “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққало ягона тўғри йўлидир”, дея таъкидлаган эди.

Бу даъваткор фикрлар ўртасида бир асрлик масофа бўлса-да, ўзаро бир-бирини тўлдириб, халқимизнинг бугунги мақсад ва муқддоларини акс эттириб турибди. Қолаверса, “Ҳамма учун сифатли таълимни таъминлаш” БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг тўртинчисидир.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар бир қўшимча мактаб келажакдаги даромадни 7 фоиз оширади. Таълимнинг ижобий таъсири даромаднинг ўсиши билан бирга соғлиқ, туғилиш, жиноятчиликнинг камайиши, фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги иштироки даражаси ва ҳодимларнинг меҳнат унумдорлигига фойдали таъсир кўрсатади.

Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, бошлангич синф ёшидаги, мактабга бормайдиган болаларнинг 50 фоизи турли геосиёсий мо-жаролар давом этаётган ҳудудларда яшайди. Шунингдек, БМТ ўрганишича, сифатли таълим олган инсоннинг вояга етгандан сўнг соғлом бўлиш эҳтимоли кўпроқ, Буни таъминламасдан туриб, ривожланаётган мамлакатларнинг узоқ муқддатли иқтисодий кўрсаткичлари яхшилианиши даргумон.

Хориж тажрибасига таянсак, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатлар таълимга инвестиция киритиш орқали инновацион ривожланиб, “Осиё йўлбарслари”га айланди. Шу маънода, олий таълимга жалб этилган инвестиция яхши самара беради ва давлатларнинг ўз олий ўқув юртларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришга ундайди. “Сервис давлат” концепциясига асосан, таълим давлатнинг энг асосий хизмат туридир. Шу боис, шахсга йўналтирилган бошлангич ва касб-хўна таълимига ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш” номли 3-мақсадига 700 га яқин номдаги янги дарслиқлар, машқ дафтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар, янги авлод дарслиқлари асосида планшетлар учун мингта мультимедиа дастури яратиш, таълим ташкилотларига ҳар йили 500 нафар “тил эгалари” бўлган хорижий мутахассисни жалб этиш каби вазифалар белгиланган.

Яқинда ижтимоий соҳага оид устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ўқувчилар билими, таҳлилий, танқидий ва креатив фикрлаш, муаммоларга ечим топиб, амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув методикаларини ишлаб чиқиш билан бирга хорижий дастурлар (A level, IB каби), ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолашда халқаро тажрибаларни (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этиш вазифаси белгиланган таълимдаги ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.



Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида 2024 йил 1 мартдан бошлаб маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдорида хорижий тиллар (“Ибрат фарзандлари”) мусобақаси, киберспорт ва “Заковат” интелектуал ўйинларини юқори савияда ташкил этиш вазифаси белгилангани замонавий билим ва кўникмаларга эга, креатив фикрлайдиган, инновацион ёндашув қобилияти бор бўлган ёшларга улкан рағбат бермоқда.

Ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш имконияти

Таълим-тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш орқали ёшларимизнинг орзу-умидини рўбга чиқариш бўйича вазифалар зиёдилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бугун нуфузли хорижий университетлар, илмий



ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси белгилаб берилгани бежиз эмас.

Ҳозирнинг муҳим муаммоларидан бири инновацион тармоқларни кўтариш ҳисобидан жажон бозорида рақобатдошликка эришиш учун инновацион ривожланиш йўлига ўтишидир. Соддароқ айтганда, инновацион ривожлантириш билангина иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада юксалтириш, унга инвестиция оқимида йўналтириш мумкин.

Фан, инновация ҳар бир ренессанснинг пойдеворидир. Бугун дунёда рақобат тобора кескин тус олмоқда. Тўртинчи саноат инқилоби даврида рақобатбардош бўлиш фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш билан боғлиқ.

Инновация бугунги хоҳишга боғлиқ ихтиёрий қарор эмас. Бу зарурат, давр талаби, мамлакат, жамият тақдирини ҳал қилувчи, ҳаёт-мамонт масаласидир. Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, бундан ташқари, фанлараро интеграцияни ривожлантириш зиёлилар олдига турган муҳим вазифалар сирасига кирди.

Ҳозир ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг 50-70 фоизига янги технологиялардан фойдаланиш орқали эришаётганининг ўзи

барча соҳада рақамлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб турибди. Инвестиция ва инновация жараёнининг фаол ривожланиши саноатни диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизациялаш билан бирга инвестиция капитални қайтариш суръатини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадқиқотларга кўра, келгусида касб ва мутахассисликларнинг 80 фоизи бевосита STEAM фанлари ва энг янги технологиялар билан боғлиқ бўлади. Илгор ривожланган давлатларда илмий-тадқиқот институтлари инновацияларни тижорийлаштириш борасида йирик корпорацияларга рақобатбардош бўлишга интиломоқда. Мисол учун, дунёнинг йирик корпорацияларидан бири — Германиянинг “Вольксваген” концерни инновацияга жажоннинг обрўли илмий марказларидан бири бўлган Гарвард университети умумий молиявий активлари миқдориди, яъни 13.5 миллиард доллар сарфлаган.

Шу боис, жорий йилда Ўзбекистонда ташкил этиладиган технопарк, кичик саноат зоналари, худудий кластер ва логистика марказларининг илмий-тадқиқот марказлари билан интеграциясини ривожлантириш илмий ҳамжамият олдидидаги долзарб вазифалардан бўлади.

Инновацион ривожланишни таъминлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлашни янги босқичга кўтариш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда олий таълимга қамровни изчил ошириш, олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сонини кўпайтириш, илмий муассасалар мустақиллигини таъминлашни тақозо қилади.

Тақдирларга кўра, “ахборот жамияти” номини олган илгор мамлакатлар сафига кирмоқчи бўлган ҳар қандай давлат олий таълим қамровини камида 60-90 фоизга чиқариши талаб этилади. Мисол учун, Францияда олий таълимда бир ўқув йили учун тўлов мамлакатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас. Буюк Британияда кам

рини ТОП-300 таликка кирган олийгоҳлар дастури асосида янгилаш вазифаси олий таълим муассасаларини трансформация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитиш тизимида ҳам рақобат зарур

“Таълим-тарбияда танаффус бўлмайди”, дейилганидек, таълимнинг ҳар бир босқичида етарли қамровни таъминлаш, таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқиниш давом эттиришга шарт-шароитларни яратиш бўйича Конституциямиз даражасида муҳим қоида ва принциплар белгиланди.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 50-моддасида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаш назарда тутилмоқда. Аввал нодавлат таълим ташкилотлари жуда кам бўлган ҳамда аҳоли орасида уларга ишонч юқори бўлмаган. Лекин жажон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат таълим сектори соғлом рақобат ва сифатни таъминлашга имкон беради.

Сўнгги статистик маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда 160 дан ортиқ давлат, 42 та нодавлат олий таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Бу борада, айниқса, хусусий олий таълим муассасаларида бир хил умумий талаблар асосида мутахассислар тайёрлаш бўйича қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор. Мазкур ишларнинг самараси сифатида бу илм олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширган абитуриентларнинг 40 фоизи ўқинишга қабул қилинганини айтиш мумкин.

Албатта, олий таълимга қамровни ошириш, аввало, хусусий ОТМларга хусусий капитал киритишни тақозо қилади. Табиийки, инвесторлар таълимга сарфлаган маблағдан имкон доирасида моддий фойда кўришни хоҳлайди. Лекин масалага чуқур мушоҳада билан ёндашадиган бўлсак, хусусий ОТМлар таълим тизимида инвестиция жалб қилиш ва янги бўш иш ўринлари яратиш, иқтисодий ўсиш ва меҳнат бозорининг ривожланишига ҳисса қўшади, олий таълим тизимида рақобатни ва таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бу ўқув стандартларини изчил такомиллаштириб бориш ва олий маълумотли бўлиш имкониятини оширишга олиб келади.

Бундан, албатта, педагоглар ҳам, таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳам ютади. Педагог ҳодимлар нуктаи назари-дан ёндашадиган бўлсак, хусусий ОТМлар касбий ривожланиш учун кўпроқ имконият яратади, яъни хусусий университетлар одадга илм олиш, тадқиқот ўтказиш учун кўпроқ ресурс тақдим этади. Педагоглар учун яхши иш шароити ва касбий ўсиш учун катта имкониятлар зшигини очади.

Бошқа томондан, хусусий ОТМларнинг кўпайиши ўқитишга нафақат илмий даражага эга педагог ҳодимлар, балки реал иқтисодий секторда банд бўлган юқори малакали, яъни амалиётда “суяги қотган” мутахассисларни кенг жалб этиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимини ишлаб чиқариш билан интеграция қилишга ҳисса қўшади.

Сифатли таълимга фақат замонавий, профессионал, маҳоратли педагоглар билан эришиш мумкин. Ўқитувчи-педагоглар малакасини ошириш, ҳаёт давомида ўрганувчи бўлиш тамойили асосида узлуксиз ўз устида ишлаш тизимини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, юртимиз хусусий олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ишларида фаол иштирок этиши, инновациялар ва технология тараққиётини ривожлантириш учун бизнес сектори билан ҳамкорлик қилиши ўта муҳим. Хусусий ОТМларнинг халқаро алоқаларини кенгайтириш ва хорижий ўқув юртлари билан тажриба алмашиши халқаро интеграцияни оsonлаштириши мумкин.

Умуман олганда, мазкур ислохотлар таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатнинг ривожланишига хизмат қилиб, фуқароларда таълим хизматларини танлаш имкониятини кенгайтиради. Янги Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон қадрини оширидир. Глобал таълим бозорига кириш ва ўқитиш сифатини ошириш комплекс ёндашувни, яъни ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олувчи давлат сиёсатини талаб этади. Бунда ҳуқуқий чора-тадбирлар тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Ҳасан Йўлдошев оған суратлар.



Юз билан юзлашганлар

“ҚАДР АЁЛДАН БОШЛАНСА, ҚАДРИМИЗ ЯНАДА БАЛАНД БЎЛАДИ”

Зумрад киш ниҳоясига етиб, ўз ўрнини фасли навбахорга бўшатиб бериш тараддудига тушиб қолган кунлар арафасида ижодий жамоамиз билан ёши улуг онахонларнинг дуоларини олиб, ўғитлари ва қимматли насиҳатларидан баҳраманд бўлиш учун Бўстонлик туманига йўл олдик. Мусаффо тоғ хавосидан мириқиб нафас олар эканмиз, узоқ умр кўришнинг яна бир сири ғуборсиз ҳаво ва яшилликка бурканган она табиатнинг сўлим гўшалари эканига яна бир бор амин бўлдик.

Ғазалкентлик онахон 104 ёшга тўлди

Илк борар манзилимиз Ғазалкентнинг Главасой маҳалласида истиқомат қилувчи Канаим Қўлматованинг хонадони бўлди. Шинамгина хонадонга кириб борар эканмиз, димоғимизга кўкларнинг ифорли нафаси уфургандай бўлди. Кафтдеккина жойда баҳордан дарак берувчи исмалоқ, кўкпиез каби кўкатлар ерни яшнатаётгандек туюлса, олпоқ рўмолини яраштирибгина ўраб, қаршимизга пешвоз чиққан 104 ёшли онахоннинг нури чехраси кўнглимизни кўшдек ёритди. Сўхбатимиз эса жуда мароқли кечди. К.Қўлматова 1920 йилнинг 2 февраль куни таваллуд топган.

— Баҳор яшартирувчи фасл, аммо ҳар таширфи ҳаётимнинг бир varaгини юлиб кетади. Худого шукр, оёқдан қолмадим, ўзим секин-аста кириб-чиқиб юрибман. Қани энди ҳозир ҳам куч-қувватим бўлса. Афсуски, йиллар ўз ҳукмини ўтказар экан, — дейди онахон биз билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлган. — Ёшлик давримда эрта баҳордан дала ишларига шўнгиб кетардик. Ғўза чиққач, чопиқ қилардик, кечалари ой ёруғида далани сўғардик, сувчи ҳам, пахтакор ҳам ўзимиз эдик, лекин ҳеч қачон ҳаётдан нолимаганмиз. Меҳнат қилиб, кам бўлмадим. Ҳозирда тинч, фаровон замонда тўкин яшаймиз, ҳамма нарса бадастир. Ҳукуматимиздан айланай, пенсияларимизни ҳам ўз вақтида уйимизга келтириб беришади, ойлаб почтанининг йўлига саргайиб

кутмаймиз. Ҳар ойда туман каттаконлари, маҳалла раиси келиб, ҳолимдан хабар олади. Барака топишини, ҳамширалар соғлиғини текшириб туради. Кексаликнинг асл фароғати ва ҳузурини шунда. Илоҳим, элимизда тўкинлик ва тинчлик бўлсин...

Болалигидан ғўза чопиб, ипак курти боқиб, тонг саҳардан кеч оқшомгача бир бурда нон учун тинимсиз меҳнат қилиб вояга етган Канаим буви ёшлиғидаёқ сергайрат бўлган. Улғайгач, ота-онаси битта шойи кўйлак ва ўша даврнинг фаранг рўмолига ўраб, турмушга узатган. Халқимиз бошига кўп қулфатларни келтирган Иккинчи жаҳон уруши ёшгина келинчақнинг бахтига ҳам соя солган. Турмуш ўртоғи фронтга кетганидан сўнг етишмовчилик ва оғир меҳнат туфайли ниҳонжонига тугилган қизи очарчиликдан вафот этган экан.

У ҳар қандай ҳолатни Яратганининг ёзуғи дея қабул қилган ва бор дардини ичига ютиб, аламини меҳнатдан олади. Ҳалол меҳнати билан эл ичида ҳурмат қозонади. Узоқ йиллар халқ депутати бўлиб фаолият кўрсатди. Урушдан ярим жонини асраб келган турмуш ўртоғи билан далада меҳнат қилди. Қишнинг аёзли кунларида йўқчиликдан юпун кийиниб, эртадан кечгача оёғидан зах ўтказиб, даладаги қора меҳнатлари боис, ҳар қанча ҳаракат қилмасин, афсуски, оналик бахтига қайта эриша олмади.

Шундай бўлса-да, бошини ҳам қилиб, йинглаб, нолимади. “Кўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг болаларига меҳр берсак, ўзимизнинг боламиз бўлади”, дея эрига ҳам

тасалли беради. Чиндан ҳам тақдир тақозоси билан яқинларига улашган меҳру муруввати йиллар ўтиб, бугунги кунда онахонга юз қара зиёдаси билан беминнат қайтмоқда.

Онахоннинг турмуш ўртоғи вафот этгач, унга жияни Одилбек ака, унинг аёли ва фарзандлари ўз онасидан меҳр бериб, ардоқлаб қараб турибди. Юзлари нурили онахон ушбу хонадоннинг кўрқи, дастурхонининг файзу баракоти. Унинг дуоси бу уйдагиларнинг йўлларини ёритиб, яхшиликларга йўлдош қилиб, файз берипти.

Ғазалкентлик онахоннинг қалбидан чиқиб, қорозга кўчаётган, шукроналик, сабр-қаноат, ёмонликка яхшилик билан жавоб бе-

осойишталик, оғизбирлик ҳукмрон бўлган бу оилга кўпчилик ҳавас қилади. Хонадон улуги бўлмиш Халипа Қобилбекова 1923 йилда тугилган, жорий йилнинг 19 март санасида 102 ёшга қадам қўяди.

8 ўғил-қизни вояга етказиб, 25 невара, 43 чевара ва 8 эварага бош бўлган Халипа буви ҳар бир тонгни шукроналик билан қарши олади. Ўтмишни эслаб, кўзлари ёшланиб, қўллари қалтираб айтиб берган мунгли ҳикоясини тинглар эканман, раҳматли бобоимнинг “Етимликнинг юзи қурсин”, деган сўзлари эсимга тушди. Ота-онаси эрта вафот этгач, 6 ёшли қизалоқнинг болдай ширин болалик



Ҳасим Йўлчиев оёқдан суратлар.

риш каби эзгуликка йўғрилган доно сўзлари замирида барчамизга ибрат бўлган ўғит ва доно ҳикматлар бисёр. Эшитганимиз сари кўнглимиз равшанлашиб, ҳаётга бўлган муҳаббатимиз ошиб бораверади.

Халипа бувининг ҳикоялари

Навбатдаги манзилимиз Айдарали маҳалласи Бешёғоч кўчаси 90-хонадонда яшовчи Қобилбековлар хонадони бўлди. Ҳамиша

йиллари етимликнинг аччиқ изтиробли кунлари билан аянчи ўтган. Оддийгина қилиб айтидиган бўлсак, тоғаларининг бағрида, янгиларининг қўлида оғир ҳаёт кечирган. 3-синфдан кейин мактабдаги ўқишини ҳам давом эттира олмаган. Аммо тиришқоқлиги боис, хат-саводи яхши бўлган.

Вояга етиб, олис бир қишлоққа келин бўлиб тушганидан сўнг ҳам етишмовчиликларда яшаса-да, қайнота-қайнонаси, эрининг меҳри унга катта куч ва далда берган. Ўзи ва турмуш ўртоғининг орттириб топган улу-

Орамиздаги одамлар

ИНСОНИЙЛИКНИ КЎТАРИБ ЮРГАН ҲАЙДОВЧИ



“Ўзбекни кўчганда кўр” деган мақолни эшитгансиз. Жуда топиб айтилган. Пойтахтдаги ҳажми деҳқоннинг қапасича чиқмайдиган ижара уйдан кўчиш учун нақ икки кун вақтимиз кетибди. Ўзтибор берсам, деярли ҳеч қайси буюмни ташлаб юбормас эканмиз. Бирор кун асқатади, десак керак-да. Худди пишиқчилик пайти помидордан тузлама қиладиган одамдай қатиқ сотиб олинган 50 дан ортиқ банкани ҳам йиғиб қўйган эканмиз. Нима қиласан буни, дейдиган одам бўлмагандан кейин шу-да. Товони узилиб тушган, йиртилиб кетган пойабзалларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Мавсуми келса, таъмирлатамиз, деган сабабимиз бор. Хуллас, ўзи бир ҳовучгина нарсадан фойдаланар эканмиз-у, кучоқ-кучоқ буюмларни “бағримизга босиб” яшайверарканмиз. Ўзбеклигимиздан айланай.

Пойтахт шаронти — такси хизматидан юк ташувчи машина буюртма қилдик. Кўп ўтмай “Дамас”нинг кесилган кўриниши — “Лабо” етиб келди. Кўринишидан 35 ёшлардаги ҳайдовчи танти табиатли, тез тил топишиб кетадиган одам бўлиб чиқди.

Тепа қаватдан эрина-эрина олиб тушган юкларимизни ҳайдовчининг ўзи шашт билан юкхонага орта бошлади. Ишдан қочмай-диган одам экани биллиниб турибди. Ўзтибор берсангиз, шашти баланд одамларни кўриб, киши ўзининг дангасалигидан уялиб кетади баъзан. Ростдан ҳам тобора кам оғир меҳнат

қилиб, қўлни совуқ сувга урмасдан, ишдан қочувчи бўлиб қолибмиз. Шу ҳаёллар алам қилдими, ҳалиги чарчоқдан асар ҳам қолмади — ҳайдовчидан ҳам тезроқ ишлашга тушиб кетибман.

Юкларни ортиб-жойлаштириб, кўчадиган манзил томон йўлга тушдик. “Вакил” сифатида ҳайдовчи билан бирга мен кетадиган бўлдим. Қизик, бирга кетмаса, шу “кўрпа-тўшакларимиз”ни ҳайдовчи кимгадир сотиб юборади-но, биз қуруқ қоладигандек. Ишончсизлик бор-да.

Жим кетиб борарканмиз, йўл четида “Матиз” ҳайдовчиси бепарволарча аввал йўлга чиқди, кейин ён ойнага қаради. Аслида, аввал олди-орқасига қараб, кейин йўлга чиқиш керак. Сал қолса, бизнинг машинага урилар эди. Яхшиям, Худо асради.

Ҳайдовчи ҳозир тортишса керак, деб тургандим, йўқ, аксинча. Мен ҳам ҳайдовчидан олдин исмини сўраб, “Зариф ака, хатони у қилди-ку, гапланиб қўймайсизми?”, деган савол билан юзландим. Зариф ака бир оз ўйлаиб туриб, битта гапирди: “Бўлар билан тортишганининг фойдаси йўқ. Эрта тонгда туриб, ризқини териш учун кўчага отланган ҳеч қайси эркак бутун ким биландир тортишман, кимнингдир бурнини қонатаман, деб чиқмайди, унинг гами — ризқига яраша пул топса, рўзгорининг бирор камини бут қилса. Муҳими, шу эмасми?” дейди Зариф ака, мен

эса унинг бу гапини бош силкиб маъқуллайман.

Сўхбат сўхбатга уланаверади, ҳамма жой тирбандлик эмасми, қарийб йигирма дақиқадан буён масофанинг ярмига ҳам етганимиз йўқ. Бундай пайтда сўхбатдан соз нарса борми — Зариф акадан “Қанчадан буён бу иш билан шуғулланыпсиз?” деб сўрайман. Бир бошидан бошлайди:

“Навойи вилоятининг Нурута туманиданман. Ўзим тадбиркорман, бозорда 3-4 та дўконимни ижарага бериб қўйганман. Зерикканидан кира қиламан, пули менга қизикмас, дея бир танганинг устида тортишиб ўтирадиган мактанчоқ қирақашлардан, деб ўйламанг-у, меннинг ҳам асл касбим иқтисодчи.

Молия соҳасида коллежни тамомлаб, 2006 йилда туманимиздаги банкка ишга кирдим. Ўша пайтларда банкларнинг маоши ҳозиргидек яхши бўлмаган, порани эса ёмон кўрганим учун ҳеч қачон маошимдан ортиқ даромадим йўқ эди. Ишонасизми, баъзи пайтларда йўлқирамини ҳам отамдан олиб кетардим. Эртага яхши бўлади, индинга яхши бўлади, деб етти йил банкда ишлабман. Олий маълумотли бўлмаганим учун лавозимим ҳам ўзгармади. Укам ва синглим мендан кўра муносиброклиғи учун олий маълумотли бўлиш орзуни қурбон қилдим. Ахир уч болани бирданга ўқитиш отамага осон бўладими? Хуллас, банкдан бўшаб, чорва билан шу-

гуллана бошладим. Чорванинг баракаси бор экан, ўн бошини олтимиш бош қилдим 2-3 йилда. Орзу-ҳавас қилиб, “Нексия” сотиб олдим. Чунки эндиғи мақсадим тадбиркорликнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланиб кўриш эди. Қилмаган ишим қолмаган бўлса керак — 1 гектар ерда олма боғи қилдим, лекин мутахассисини тополмагач, ундан ҳам айтарли ҳосил ололмадим. Ишлаб чиқариш қилмоқчи бўлиб, тумандан, вилоятдан бино беришларини сўраб, уч йил юрдим — айрим раҳбарлар баландпарвоз ваъдаларини берарди, бироқ натижаси — мен шу кунгача ҳеч нарса ишлаб чиқарганим йўқ.

Орада ўша машинада қирақашлик ҳам қилиб кўрдим — лекин бу ҳам элаганга экан. Лекин нимадир қилмасам бўлмайди. Эндиғина уйланганман — бир бошим икки бўлган. Ўйлаб-ўйлаб машинамин сотдим, Аллоҳга таваккал — 6 йил олдин кўриб турганимиз шу “Лабо”ни сотиб олдим. Қишлоқда ҳамма қулди — таёёр “Нексия”ни сотиб, шу аравани олиб келдингиз, нима иш қиласан бу билан, деб. Энди билсам, одамлар ўзининг ақл даражасига сиғмаган нимаки иш қилсангиз, кулаверар экан. Нимаки қилманг, қулади — токи

ақли етмагунича. Мен эса бу гап-сўзларга баъзида ўзтибор бериб, баъзида ўзтибор бермай ишлашни бошладим. Лекин барибир менда бу муҳитдан чиқиб кетиш фикри улғайиб бораверди. Укам пойтахтда ишлагани учун йиғиб-териб, Тошкентдан ўй олиш ҳаракатига тушдим. Уйни олгач, шу машинани ҳайдаб пойтахтга келдим. Мана, икки йилки, шу шаҳарда сочилган ризқимни териб юрибман”.

Зариф аканинг кечимишни тинглаб, йўл ҳам анча қискарди. Лекин тирбандликлар барибир тез юришга изн бермайди. Мен шавҳар берман: “Асабларингиз чарчаб кетмайдими бу тирбандликда тинимсиз юривериб?”. Қисқагина қилиб, “Элга келган тўй”, дейди. Шунда ўйлайман, тингиз шаҳарларда қирақаш бўлиш ҳам кишидан кенг фелъ талаб қиларкан. Ўйлаб кўринг, ишга боргунча ёки қайтгунча озгина тирбандликда қолсак, қанча асабийлашамиз. Нима деймиз, пойтахтдаги бу муаммога ҳам ечим топилиб қолар. Лекин бир нарса аниқ, ҳар қандай ечим тобора йўқолиб бораётган хислат — ҳайдовчи ҳайдовчини, яъни инсон инсонни ҳурмат қилишидан бошланади.

Ниҳоят, йўлни енгиб, манзилга ҳам етиб келдик. Зариф ака шерикларим ҳали келиб улгурмагани учун юкларни тушириб, тепа қаватга чиқаришга ҳам ёрдамлашди. Йўл ҳақини бергунча ёрдами учун озроқ қўшиб узатдим, лекин иловача кўрсатилганидан бир сўм зиёда олмади. Шунчаки ёрдам бердим, ишим шу, деди-ю, саломатлик тилаб, кетди.

Мен эса ўйлаб қолдим — барчамиз худди шу одам каби ўз вазифамизни чин қўнгилдан бажарсак, жамиятимизда муаммо қоларми-кан?! Қайси касбда бўлишимизнинг нима аҳамияти бор?!

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Ғазетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Ғазета таҳририят компютер марказида саҳифаланди.
Ғазетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 719.

44621 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиги: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Ҳидирова
Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй